

«Asaka yog'» АЖ кузатув кенгаши
аъзоларининг 29.01.2017 йилдаги йигилиш
қарори билан
“Тасдиқланган”

*Андижон вилоят «Asaka yog'» акциядорлик жамияти
Корпоратив бошқарув маслахатчиси лавозими
НИЗОМИ*

2017 йил

I. Асосий тушунчалар.

1.1. Андижон вилоят «Asaka yog'» акциядорлик жамияти «Корпоратив маслахатчи» лавозими “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб ташкил этилган.

1.2. «Корпоратив маслахатчи кейинги матнда «Маслахатчи» Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун талабларига биноан иш олиб боради.

1.3. «Маслахатчи» жамият Кузатув кенгашининг қарори асосида тайинланади ва тўғридан тўғри жамият Кузатув кенгашига бўйсинади. Маслахатчига тўланадиган иш ҳақи ва бошқа тўловлар жамият Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

1.4. «Маслахатчи» жамият Кузатув кенгаши йиғилишлари ўтказиладиган оралик вақтда Кузатув кенгашининг расмий вакили ҳисобланади.

1.5. Корпоратив бошқаришнинг асосий мақсади жамиятда қонун устуворлиги таъминланишини, ижтимоий адолат мезонларига риоя қилиниши, акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

II. Маслахатчининг асосий вазифалари.

2.1. Жамиятда корпоратив бошқарув тизимига таъалукли, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармонлари ва улар томонидан қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларни ижро этилишини ташкиллаштириш.

2.2. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг мажлис қарорларининг ижро этилиши мониторингини юритиш ва натижаси бўйича кузатув кенгаши раисига маълумот киритиш.

2.3. Жамият акциядорлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ариза ва шикоятларни кўриб чиқишда иштирок этиш ва уларни бартараф этилиши чораларини кўриш.

2.4. Кузатув кенгаши қарорларини жамият ижро этувчи органига шунингдек, ижро этувчи орган мурожаатларини Кузатув кенгашига етказилишини таъминлаш.

2.5. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишлари ва Кузатув кенгашининг йиғилишларида баённома юритиш.

2.6. Жамият акциядорларининг умумий йиғилишлари ва Кузатув кенгаши йиғилишлари ўтказилиши билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш, зарур ҳужжатлар ва материалларни тайёрлаш.

2.7. Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши йиғилишлари қарорларини қонунда белгиланган тартибда акциядорларга етказилишини таъминлаш.

2.8. Қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

III. Маслаҳатчининг ҳуқуқлари

3.1 Жамият ижро этувчи органидан;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қонунлари, Қарорлари, Фармойишлари, акциядорларнинг умумий йиғилишлари ва Кузатув кенгаши йиғилиш қарорларини бажарилишини таъминлаш,
- акцияларга ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўланишини,
- тасдиқланган бизнес режа кўрсаткичларини бажарилишини,
- жамият ижро этувчи органидан, корпоратив бошқарув фаолиятини амалга оширишда фойдаланиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва бўлимлардан зарур ҳужжатларни олиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

IV. Меҳнатга ҳақ тўлаш.

4.1. Маслаҳатчининг меҳнатига тўланадиган 1 (бир) ойлик иш ҳақи миқдори штатлар жадвалига кўра белгиланади.

4.2. Маслаҳатчига жамият ходимлари билан бир қаторда мукофот, моддий ёрдам берилади ва 24 (йигирма тўрт) кунлик меҳнат таътили берилади.

V. Маслаҳатчининг бошқа бўлинма ва ташкилотлар билан алоқаси.

5.1. Корпоратив Маслаҳатчи ўз фаолиятини қонуний ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйдаги бўлимлар ва бошқа ташкилотлар билан алоқада иш олиб боради;

- «Узпахтаег»АК –хусусийлаштириш бўлими,
- Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказий Андижон вилоят бошқармаси,
- Марказий депозитария ёки унинг вилоятдаги трансфер агенти,
- Жамиятга хизмат кўрсатувчи депозитарийси,
- Жамият кузатув кенгаши,
- Жамият тафтиш комиссияси,
- Жамият ички аудит хизмати,
- Жамият ижро органи,
- Ташқи аудит хизмати,
- Жамиятнинг «Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар» бўлими

5.2. “Маслаҳатчи” ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ҳаракатдаги қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ва қонун ости ҳужжатларига асосланиб олиб боради.